




# XASR



ЎТМОЙ-  
СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан  
чика бошлаган.

2011 йил 11 август, пайшанба  
32 (404)-сон,  
E-mail: axborotXXiasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



## БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!




**О'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИНING 5 АВГУСТ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ 2011 ЙИЛ 15 ИЮЛДА КАБУЛ ҚИЛИНГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» ХАМДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚЎШМА ҚАРОРИ» ЮЗАСИДАН ПАРТИЯНИНГ АНИҚ МАҚСАДЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

### «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида»

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган янги китоби нашр этилди. Китобдан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989-1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлар ўрин олган

Китоб шаклида илк бор чоп этилаётган бу чиқишларнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланиши албатта бежиз эмас. Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган гоёт оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислам Каримовнинг ўлкамизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида голиб чиқиш, Президентлик қасамёдини қабул қилишигача бўлган тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.



Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофлича ёритиб берилди. Маълумки, 1989 йилнинг ўрталарида КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонга нисбатан қатагон сиёсати янги босқичда давом эттирилиб, «пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб ном олган сиёсий кампаниялар авж олган эди. Коммунистик партиянинг бош наشري бўлган «Правда» газетасининг «Олтин хазинаси устидаги илон» деб ном олган мақоласида, бошқа етакчи марказий нашрларда халқимиз бошига тинимсиз тухмат ва бўҳтонлар ёғдирилмоқда эди. Собик Марказдан юборилган, эл-юртимиз ўртасида «десантчилар» деб ном олган гуруҳлар томонидан қанча-қанча бегуноҳ инсонлар, бутун-бутун оилалар таъйик ва таъқибларга учраганини жамоатчилигимиз яхши эслайди.

Ана шундай оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидagi асрий орзу — истиқлол гоёси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади. Агарки бу китобнинг маъно-мазмунини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллиги, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва гоёларни Ислам Каримов ўша долғали йиллардаёқ, узоқни кўрган ҳолда, ўзига нечоғлик аниқ-равшан тасаввур этгани мазкур тўпلامнинг ҳар бир саҳифасидан бамисоли «кизил ил» бўлиб ўтишини таъкидлаш ўринлидир.

### Кучли парламент назорати либерал ислохотлар кафолатидир

Маълумки, Президентимиз Концепциясига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакат Бош вазирининг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошири-

лаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи эшитилди. Ушбу ҳисобот юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинган қўшма қарорда

ҳукумат томонидан бозор ислохотларига оид ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётгани, Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида бир қатор янги қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасига киритилгани алоҳида таъкидланиб, «Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътироф этилди. Айни пайтда парламент қўшма қароридан ана шундай натижаларга қарамай, ҳукумат томонидан олиб борилаётган ишлар Концепцияда белгилаб берилган талаблар-

га ҳар доим ҳам жавоб бермаётгани, Давлат дастури эса белгиланган муддатлардан ортда қолаётганига ҳам эътибор қаратилиб, бу ўз-ўзидан ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳар томонлама ривожлантиришни талаб этиши таъкидланди.

### Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасида

О'zLiDeP Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да тақлиф этилган қонун лойиҳаларини сифатли ва мукамал ишлаб чиқиш учун уларни жойларда, электорат вакиллари иштирокида муҳокама қилиш тажрибасидан фойдалана бошлади

Хусусан, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида ташкил этилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида О'zLiDePнинг парламент кўйи палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Навоий вилояти ва туманлари кенгашларидаги депутатлар, электорат вакиллари, иқтисодчи олимлар ва экспертлар иштирок этдилар.

Муҳокамасига жалб қилиш уларнинг мукамаллигини таъминлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз Концепциясидаги қонунчилик ташаббусларини амалда рўйбга чиқариш мақсадида О'zLiDeP томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасида янги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва экспертизадан ўтказиш жараёнига кенг жамоатчилик, барча ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари жалб қилиш назарда тутилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,

О'zLiDeP фракцияси аъзоси Равиль Собиржоновнинг таъкидлашича, ушбу қонун ўз моҳиятига кўра мутлақо янги меъёрларни акс эттириб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари шу кунгача дуч келаётган бюрократик тўсиқларга чек қўйишни назарда тутди. Шу боисдан фракция аъзолари жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этиб, уларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини ўрганиш қонунчилик фаолиятини кучайтиришга хизмат қилаётганини таъкидламоқдалар.

### Жавлонни жаҳон тан олди

Коракўл туманидаги 3-академик лицейнинг иккинчи босқич ўқувчиси Жавлон Исомуродов Голландияда ўтказилган математика фани бўйича 52-жаҳон олимпиадасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирланди. Дунёнинг 105 мамлакатидан ушбу нуфузли тадбирга ташриф буюрган 600 нафардан ортиқ давгогар билан беллашининг ўзи бўлмади, албатта. Жавлондаги ўзига ишонч, чуқур билим, алоҳида салоҳият ва энг муҳими, голибликка интилиш унга том маънодаги галабани келтирди ва у таълим олаётган мактабининг бундан 2 йил олдин бежиз академик лицейга айлантирилмаганини амалда исботлади.



**БУГУНГИ СОНДА:**  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ О'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ЮРТБОШИМИЗНИНГ «ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАРИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ХАМДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЎРГАНИЛГАНДА АЙРИМ ТУМАНЛАРДА КАМЧИЛИКЛАРГА ҲАМ ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАНИ АНИҚЛАНДИ

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 9 АВГУСТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:	1 Австралия доллари ↓ 1786,35	1 АҚШ доллари ↑ 1729,12	1 Ҳитой юани ↑ 269,05	1 Туркия лираси ↓ 991,13	1 Япония енаси ↓ 221,51
	1 Англия фунт стерлинги ↓ 2833,68	1 Миср фунти ↑ 290,32	1 Малайзия ринггити ↓ 574,27	1 Швейцария франки ↓ 2274,56	1 Россия рубли ↓ 61,02
	1 Дания кронаси ↓ 332,19	1 Исландия кронаси ↑ 15,01	1 Польша злотийси ↓ 611,06	1 ЕВРО ↓ 2456,00	1 Украина гривниси ↑ 216,92
	1 БАА дирҳами ↑ 470,82	1 Канада доллари ↓ 1757,41	1 СДР ↓ 2756,48	1 Жанубий Корея вонни ↓ 16,05	

## Фракция қонун лойиҳаларини маъқуллади

## «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида»

**О'zLiDeP фракциясининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида партия электорати вакиллари учун ниҳоятда муҳим бўлган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги («Тугатишга доир иш юритишнинг айрим тартиб-қоидаларини ўтказиш муддатларини тезлаштиришга йўналтирилган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги) қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди**

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»



Фракция аъзоларининг таъкидлашларича, мазкур қонун лойиҳаси билан «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг кредиторларнинг биринчи йиғилиши суд мажлисида камидан ўн кун муддат қолганида ўтказилиши лозимлиги назарда тутилган 10 ва 71-моддаларига ўзгартишлар киритилмоқда. Амалдаги қонунда суд бошқарувчисига тегишли ҳужжатларни йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб беш кун ичида ҳужжалик судига топшириш ҳамда йиғилиш материаллари билан танишиши учун яна беш кун муддат ажратилар эди. Янги қонун лойиҳасида эса бу муддат икки кунгача, суд материаллари билан танишиш вақти эса уч кунгача қисқартирилмоқда. Бошқача айтганда, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилингандан кейин кредиторларнинг йиғилиши билан суд мажлиси ўртасидаги муддат беш кунга ташкил этилади.

Бундан ташқари, банкротлик тартиб-қоидаларини амалга ошириш муддатини янада мақбуллаштириш мақсадида қонуннинг 49-моддасига ҳам ўзгартиш киритилмоқда. Унга кўра, ҳужжалик суди мажлисида банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш банкрот деб топиш ҳақидаги ариза қабул қилингандан бошлаб икки ойлик муддатгача қисқартирилиши таъкид этилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши О'zLiDeP электорати манфаатларига тўла мос келади, — дейди фракция аъзоси Фулом Омонқулов. — Чунки банкрот корхоналарни тугатиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар муддатларининг қисқартирилиши бундай корхоналар мол-мулкни бошқа мулкдорларга тезроқ сотиш имконини беради.

Амалдаги қонун ҳужжатларида банкрот деб топилган корхоналарнинг реализация қилинмаган мол-мулкни

қабул қилиш бўйича суд бошқарувчиларининг тақлифи кредиторлар томонидан жавоб бериш муддати чекланмаган эди. Янги қонун лойиҳасида эса уларнинг тегишли қарор қабул қилишлари учун ўн кунлик муддат белгиланмоқда. Шунингдек, «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 143-моддасига биноан, кредиторлар реализация қилинмаган мол-мулкни қабул қилишга рад этган тақдирда бу мол-мулкни маҳаллий давлат ҳокимияти бир ой муддатда ўз балансида олиши белгиланган эди. Энди ушбу муддатни ҳам 15 кунгача қисқартириш таъкид этилмоқда.

Фракция аъзолари Президентимиз Концепциясида белгилаб берилган ва ҳукумат томонидан парламентга киритилган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Мазкур қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Қобилжон Тوشтов тақдим қилди.

Матрузачи таъкидлаганидек, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий мақса-

ди кредит ахбороти алмашинуви тизимидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, унинг ҳуқуқий базасини яратиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, битимлар тузишда қатнашаётган томонларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратишга қаратилгандир.

Маълумки, бугунги кундаги кредит ахбороти алмашинуви тизимида фақат банкларнинггина иштироки таъминланган, ҳолос. Молия ҳақидаги бошқа субъектлар, жумладан, микрокредит ташкилотлари, кредит уюмлари, ломбардлар, лизинг ва сугурта компанияларининг кредит ахбороти алмашинувидаги имконияти чегараланган. Агар парламентга киритилган янги қонун лойиҳаси қабул қилинса, бу борадаги мувоzanат тикланиши бадиробарида кредит бозорига рақобатнинг ошиши туфайли фозиз ставкалари ҳам камайган бўларди.

Жаҳон банки томонидан 34 та давлатнинг кредит ташкилотлари тажрибаси ўрганил-

ганда, кредит ахбороти алмашинуви тизими жорий этилишининг ижобий таъсири натижасида 50-60 фоиз респондентларда операция ҳаражатларнинг 25 фоизгача камайишига, кредитларни расмийлаштириш муддатлари кескин қисқаришига эришилган. Бундан ташқари, кредит ахбороти алмашинуви тизимининг такомиллаштириш иқтисодиётида кредитлаш ҳажмининг ошишига ҳам мустаҳкам замин яратилади.

Мазкур тизимнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун самарадорлиги шундаки, бу улар фаолиятини молиялаштириш имкониятини бир неча баробарга оширади. Белгиланган шартларни ўз вақтида бажарган мижозга қисқа муддатда кредит олиш учун шароит яратиш эса ўрта синф вакиллари фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий омилларидандир. Ишончли ва тезкор кредит ахбороти кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, банк тавakkалчиликларини ҳам камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, банклар ва қарз олувчиларнинг молия-кредит интизомини мустаҳ-

камлайди. Шу боисдан ушбу тизимнинг қонунчилик асосларини яратиш ва уни қабул қилиш долзарб масалалардан биридир.

Йиғилишида, шунингдек, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди. О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг айтишича, мазкур қонун лойиҳасидан кўзда тутилган асосий мақсад рухсатномалар бериш тизимининг ягона норматив-ҳуқуқий базасини яратиш, ваколатли давлат органларида рухсатномалар бериш тартибини бир-хиллаштиришга эришишдир. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қонунчиликда назарда тутилмаган рухсатномаларнинг янги турларини жорий қилишни таъкидлаш ва мансаб суиистеъмолчилигини келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Лойиҳада рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни беришда «бир дарча» таъминлини жорий этиш ҳам назарда тутилган. Бу борада Франция, Голландия, Мексика каби мамлакатларнинг тажрибасидан кенг фойдаланилган.

Шунингдек, фракция йиғилишида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди. Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шу давр мобайнида ўлкамизда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўжа, Ўш, Наманган воқеалари пайтида, тарихда «ГКЧП» деб ном олган, СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ империяпараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий тўнтариш чоғида ва бошқа шу каби ўта кескин вазиятларда Ислам Каримовнинг яққо ягона тўғри йўлни топа олгани, халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кечроқ кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб борганини тасдиқлайдиган тарихий манбалар ҳам ушбу китобда ўз аксини топган.

Мамлакатимизни жар ёқасига олиб келиб қўйган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш, халқ дардига дармон бўлиш, йиллар давомида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида аҳолига уй-жой қуриш учун устакча майдонлари ва томорқа ерлари ажратиш, пахта яққаохимчилигига барҳам бериш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли республика бўйича 700 мингга оилага ер берилгани, муаллиф таъбири билан айтганда, кичикроқ бир давлатнинг аҳолисига тенг бўлган 1,5 миллион янги оила пайдо бўлгани, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, одамларга кредит бериш, ўз ҳўжалигини юритиш учун уруғлик, чорва моллари ва парранда ажратишга қаратилган улкан ишлар ҳақида маълумот берадиган чиқишлар ҳам шу тўпламдан ўрин олган.

Бугунги кунда дунёда «Ўзбек модели» деб ном олган таракқиёт йўлимизнинг асосий принципларининг дастлабки куртаклари сокин кабинетларда эмас, аксинча, ўша йилларда кескин сиёсий қурашлар, баҳс ва тортишувлар жараёнида туғилиб, 90-йилларга келиб яхлит таълимотга айлангани ҳақида ушбу китобдаги чиқишлар орқали ҳар томонлама тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Мустақиллик гоълари кенг қанот ёза бошлаган, халқимиз озодлик ва эркинликка интилмаган бир пайтда юртимизнинг дадил қадамларини кўролмайдиган ғаразли кучлар собиқ Марказда ҳам, ўзимизда ҳам топилди. Бундай сиёсий ўйин ва фитналарга бир мисол сифатида 1991 йил 17-19 август кунлари — Ислам Каримов Ҳиндистон Республикасида расмий сафарда бўлган пайтда юз берган воқеаларни келтириш мумкин. Мамлакат раҳбарининг Ўзбекистонда эмаслигидан фойдаланиб, юртимиздаги айрим раҳбарлар ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлайди, шу тарихда ўзининг сиёсий ва маънавий кўнрагини кўрсатади. Фақатгина Юртбошимизнинг мустаҳкам иродаси, оқилона ва вазмин сиёсати туфайли ГКЧП тарафдори бўлган сиёсий авантюристлар ўз қабиҳ ниятига етолмагани ҳам китобдаги чиқишларда ифодасини топган.

Афсуски, бугун вақт ўтиши билан ана шу воқеаларни кўрган билган, уларга бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Яқин тарихимизнинг машъум бир даврида содир бўлган бу воқеаларни билмасдан, уларнинг моҳиятини чуқур англамасдан туриб эл-юртимизнинг истиқлолга эришиш йўлидаги қурашлар тарихини барча мураккабликлари билан тўлиқ тасаввур этиб бўлмайдими. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар, нутқ ва маърузаларнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга экани янада яққол аён бўлади.

Мухтасар айтганда, тўпламга киритилган ҳар бир чиқиш мутлоаа қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиш, истиқлол моҳиятини, «тарихий бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши»ни янада чуқурроқ англаймиз.

Шу маънода, Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби халқимизнинг сиёсий тафаккур ҳазинасига тўқилган бебаҳо ҳисса бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда беқийс тарихий аҳамият касб этади.

(ЎЗА)

## Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бундан кўзланган мақсад қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришдан иборат бўлиб, бу каби амалий мулоқотлар республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилади. Келиб тушган тақлифларнинг энг мақбуллари эса қонун нормаларида ўз аксини топади. Бу борада ишлаб чиқилган махсус режага мувофиқ ўтказилган дастлабки тадбирлар тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва электоратнинг бошқа вакиллари фаол иштирок этдилар. Йиғилишда таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада либераллаштиришга хизмат қилиши билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

— Мазкур қонун лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий белгилаб қўйилаётгани, ортиқча рухсатномаларнинг янги турлари киритилишини кескин тақиқлаш назарда тутилаётгани тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда долзарб аҳамият касб этиши билан эътиборимизни тортиди, — дейди Зарафшон шаҳридаги «DIV» МЧЖ раҳбари Ҳосият Файбуллаева. — Қонун лойиҳасини тайёрлашда тадбиркорлар тақлифларининг инобатга олиниши қонунни янада шаффоф, янада ҳаётий бўлишини таъминлайди. Чунки жойлардаги реал вазиятни унинг бевосита иштирокчилари бўлмиш ўрта қатлам вакиллари кўпроқ биладилар. Партиянинг ана шу мақсададаги ташаббусини изчил амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайман. Давра суҳбатига қайд этилганидек, партия электорати вакиллари билан фикр-мулоҳазаларини ўрганиш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатлар партия фракциясининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти сифатини кескин оширишга, депутатларда электорат фикрини таҳлил қилиш орқали асосий ёндашувлар ишлаб чиқиш ва сайловчилар манфаатини қўйи палатада самарали ҳимоя қилиш имкониятини бир мунча кенгайтиришга хизмат қилади.

### 20 йилликка 20 та уй

Мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида Китоб туманидаги «Чармгар» даҳасида 20 та намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотлар 994 млн 700 минг сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига қад ростлади ва туман бўйича фойдаланишга топширилган намунавий уйлар сони жами 110 тага етказилди. 2012 йилда яна 60 та замонавий уй-жой қурилиши режалаштирилган.

### Ёш тадбиркорларга кўмак

Мамлакатимизда ёшларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, уларнинг бизнес юритишга доир истиқболли лойиҳаларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танлови ёш тадбиркорларга бу борада кенг имкониятлар яратмоқда. Кўрик-танловнинг Тошкент вилояти босқичида 30 нафар йигит-қиз ўз бизнес-режаси, тадбиркорликни ривожлантиришга доир тақлиф ва лойиҳалари билан иштирок этди. Яқинда бизнес лойиҳаси истиқболли деб топилган олти нафар ёш тадбиркор танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. — Юртбошимиз томонидан тадбиркорларга қаратилаётган юксак эътибор биз, ёшларнинг бизнесга бўлган қизиқишимизни орттирмоқда, — дейди голиблардан бири, зангиоталик Нафиса Аҳмадова. — Тақдим этган бизнес-режама орқали маҳалламизда касаначиликни ривожлантириб, гилам тўқиш корхонасини очмоқчиман. Лойиҳам ҳайъат аъзолари эътиборини тортганидан хурсандман. Л.СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири

### Бунёдкорликнинг зафарли одимлари

2010 йили мамлакатимизнинг қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар бўйича 6800 та уй-жой барпо этилган бўлса, жорий йилда улар сони 7400 тага, 2012 йилда эса 10500 тага етказилиши кўзда тутилмоқда

Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда «Ўзқурилишматериаллари» компанияси томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган тадбирда истиқлол йилларида республикамизда бунёд этилган иншоотлар, уларнинг ўзига хослиги, шахарсозлик инфратузилмаси, шунингдек, қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолияти ҳақида сўз борди.

— Биргина матбуот анжуманида 20 йил мобайнида Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган таракқиёт йўли асосида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари хусусида батафсил маълумот бериш қийин, — деди «Давархитектура» қўмитаси раиси ўринбосари Нодиржон Мақсумов. — Шундай бўлса-да, улуг айём арафасида уларнинг энг

муҳимларини яна бир қарра эсга олиш соҳа эгалари учун алоҳида гуруҳ баҳш этади. Мамлакатимиз пойтахтининг том маънода «Шарқ гавҳари»га айлангани, «Шўртангаз-қимё» мажмуаси, Бухоро нефити қайта ишлаш заводи, Аска ва Самарқанд шаҳарларидаги автомобилсозлик корхоналари, Қўнғирот сода заводи каби йирик саноат объектиларининг, ўнлаб тўқимачилик корхоналарининг қурилиб, фойдаланишга топширилганидан ҳар қанча фахрлансак арийдим. Истиқлол йилларида 694 км.ли «Навоий-Учқудук-Султон Увайстоғ» ҳамда 223 км.ли «Тошгузар-Бойсун-Қумкўрғон» темир йўл линиялари ҳамда 270 км.ли замонавий автомобиль йўлларининг ётиқурилиши, Ангрэн ва Навоий халқаро логистика марказларининг барпо этилиши натижасида республикамизнинг бар-

ча минтақаларини боғлайдиган ягона транспорт тизими яратилгани юртимиз тарихининг зарҳал саҳифаларидир.

Матбуот анжуманида, шунингдек, истиқлол йилларида 7800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1500 та касб-хунар коллежи ҳамда академик лицей қурилгани ва қайта таъмирлангани, кейинги 2-3 йилда бунёдкорлар саъй-ҳаракатлари билан Андижон, Наманган, Қўқон каби шаҳарларнинг қиёфаси бутунлай ўзгаргани, энг муҳими, ушбу лойиҳаларни амалга оширишда асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Анжуманда мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ишга туширилажак бир қатор иншоотлар ҳақида ахборот берилди.

## Кучли парламент назорати либерал ислохотлар кафолатидир

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Хусусан, бундай ҳулосалар соҳа ва тизимларда амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотлар жараёнида парламент назоратини кучайтириш лозимлигини ҳам кўрсатади.

Шу ўринда парламентда Бош вазир ҳисоботининг эшитилиши Президентимиз Концепцияси талабларининг мамлакатимиз ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб эта бошлаганини англатади. Айниқса, ушбу жараён барча сиёсий партиялар қатори О'зЛиДеП учун ҳам навбатдаги синов бўлиб, партия фаолиятининг янги босқич талабларига қай даражада тайёр эканини ҳам яққол намоён этди. Зеро, ҳисобот натижаларининг таҳлиллари ҳали партия фаолиятида мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганини, парламент эшитувлари ўтказиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарурлигини ҳам кўрсатади.

О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси йиғилишида ҳисобот таҳлиллари атрофлича муҳокама этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва ҳудудий кенгашлар фаолиятини уйғунлаштириш бугунги кундаги энг долзарб масала экани таъкидланди. О'зЛиДеП фракцияси аъзолари, Савдо-саноат палатаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Фермер ҳўжаликлари уюмчаси сингари жамоат ташкилотларининг мутасаддилари иштирок этган йиғилишда ҳисоботга тайёргарлик кўриш жараёнида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ҳудудлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганишда партия фаоллари, фракция аъзолари ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамда партиявий тузилмалар орасидаги алоқалардан янада самаралироқ фойдаланиш ҳам мумкин эди, деган фикр билдирилди.

Йиғилишда иқтисодиётни ислох қилиш, биринчи навбатда, уни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг кафолатли тизимини яратиш жараёнида асосий масъулият О'зЛиДеП зиммасида эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз, жаҳон иқтисодиётини ҳанузгача синовдан ўтказиб қолган молиявий-иқтисодий инқироз каби йирик ҳавф-хатарлар ва улар келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлар эса партия фаолларининг доимий эътиборида бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан кадрлар салоҳиятига боғлиқлигига эътибор қаратилди. Сиёсий партиялар нафақат парламентга, балки ижроия ҳокимиятини шакллантириш учун ҳам малакали кадрлар етказиб бериши лозимлигини унутмаслик керак. Шу маънода бугун кадрлар захираси замон талабларига қай даражада жавоб беради, деган савол барча бўғиндаги раҳбарларни ўйлан-тириши даркор. Жойларда замонавий билимларга эга ёш кадрларни тан-

лаш ва тайёрлаш масаласи қай даражада ҳал этилмоқда? Ҳудудлардаги кадрлар электорат вакиллари либерал гоялар атрофида жипслаштиришга қодирмилар?

Тадбирда, ана шу каби саволлар ўртага ташланиб, ҳар бир партия аъзоси, депутатлар корпуси вакиллари ҳисобот таҳлилларидан жиддий ҳулосалар чиқаришлари лозимлиги, бу жараёнда кадрлар масаласини бутунлай қайта кўриб чиқиш, замон талабларига жавоб бера оладиган, партиянинг мақсад ва вазифаларини теран англайдиган салоҳиятли ёшларни партия фаолиятига жалб этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан экани қайд этилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласи эса сиёсий таълим марказларининг самарали фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ва партия фаоллари учун 16 босқичли, депутатлик гуруҳлари учун 24 босқичли узлуксиз семинар-тренинглар ўтказилиб, уларда 6 миңдан ортиқ БПТ раҳбарлари ҳамда 12 миң нафарга яқин партия фаоллари таълим олдилар.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни ислох қилиш жараёнларини чуқурлаштириш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижроси ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури туфайли ҳам республикамизда инқироз оқибатларини бартараф қилиш имконияти яратилди. Бунда, айниқса, хусусий секторнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани миң-миңглаб иш ўринлари ташкил этиш учун шароит яратилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аммо, шунга қарамай, бир қатор мамлакатларда давлат қарзларининг ортиб бораётгани, бюджетдаги тақчилликлар, шубҳасиз, давлат хазиналарининг камайишига олиб келаётгани, жаҳон молия бозорида эса мустаҳкамланмаган пул массасининг ортиши каби салбий ҳолатлар Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир этиши мумкин. Бу эса ҳукумат фаолиятини назорат қилиш баробарида сиёсий партиялардан узоқ муддатга мўлжалланган муқобил дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва улар ижроси учун масъулиятни ошириши ҳам талаб этади. Бош вазир ҳисоботи таҳлиллари ҳали бу борада жиддий камчиликлар мавжудлигини, уларни бартараф этиш учун эса кучли парламент назорати ўрнатилиши лозимлигини кўрсатиб қўйди.

Йиғилишда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини бугунги кун талаблари даражасида жонлантириш, электорат вакиллари фаолиятига тўсик бўлаётган муаммоларни ўрганиш орқали жойлардаги ҳолатлар бўйича тайёрланган тақлифларни О'зЛиДеП фракциясига етказишни изчил йўлга қўйиш лозимлигига ҳам

эътибор қаратилди. Зеро, қонун ижодкорлиги жараёнида электорат вакиллари кўпчилиги таъминланмас экан, қонунчилик фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига олиб чиқишда муаммолар сақланиб қолаверади. Чунки ҳар қандай сиёсий кучнинг парламентдаги фракцияси кўйи бўғинларининг амалий ёрдами, тақлиф ва ташаббусларисиз тўлақонли фаолият юрита олмайди.

«Кучли кўйи бўғин — кучли партия» шiori айниқса бугун янада долзарб бўлиб бораётгани сабабли ҳам бошланғич ташкилотлар юртдошларимиз кайфияти, хоҳиши ва истаklarини жамловчи таянч нуктага айланишига эришиш зарур. Тадбирда О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қoшидаги таҳлил марказлари фаолиятини кескин жонлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Маълумки, жойларда электорат муаммоларини, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ижросини таъминлашда партия депутатлик гуруҳлари фаолиятида ханузгача қатор камчиликлар сақланиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, 2011 йилнинг биринчи ярмида О'зЛиДеП депутатлик гуруҳлари томонидан жами 176 та йиғилиш ўтказилган бўлса-да, уларда депутатлик назорати ижтимоий-иқтисодий идоралари мансабдор шахсларининг муайян масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, депутатлик сўровлари натижалари чуқур ва атрофлича таҳлил этилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган ва Қашқадарё вилоятларидаги депутатлик гуруҳлари эса асосан ижтимоий объектларни куриш, реконструкция қилиш ёки қайта таъмирлаш сингари масалалар билан чекланиб қолганлар. Айрим ҳудудларда депутатлик гуруҳлари йиғилишларида эса электорат манфаатини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини янада ривожлантириш, ялпи ички махсулотда табиқорлар улушини кўпайтиришга доир масалалар муҳокама қилинмаган.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларига долзарб масалаларни киритиш борасида Фарғона, Бухоро ва Жиззах вилоятлари ҳамда партия шахар кенгашларидаги О'зЛиДеП депутатлик гуруҳлари томонидан муайян ишлар олиб борилган бўлса-да, бошқа ҳудудларда маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига масала кириштиришда ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Мажлисда, шунингдек, 7583 тага етган бошланғич ташкилотлар сиёсий билимларини ошириш, партия ташкилотларини интилувчан ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратилди, албатта. Йиғилишда таъкидланганидек, бундан қўзғалган асосий мақсад — вакиллик ва ижро ҳокимияти органларида О'зЛиДеП нуктаи назарини лозим. Уларнинг фаолияти замон талаблари даражасида йўлга қўйилмас экан, дастурий мақсадла-

римизни амалга ошириш мураккаблигича қолаверади. Бошланғич ташкилотлар етакчилари бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда асосий эътиборни хусусий сектор вакиллари қаратишлари лозим. Бунда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижросини изчил назорат қилиш ниҳоятда муҳимдир.

Тадбирда қизғин муҳокамалардан сўнг партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ишлар бўлиб бораётгани Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2011 йил 15 июлдаги қўшма қарори ижроси бўйича амалий чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Унда, энг аввало, ижро ҳокимияти органларининг марказда ва жойларда қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан парламент (депутатлик) назорати институтлари ролини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳужжатда бозор ислохотлари бўйича ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада ислох қилиш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, парламент ва ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, ижроия ҳокимияти оширишга алоҳида ўрин ажратилган. Дастурда иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш, хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш, уни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатлар тизимини яратиш масалалари ҳам қамраб олинган.

Шунингдек, ҳужжатда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилаётгани ҳам О'зЛиДеПнинг Сайловолди платформасига мос келади.

Дастурда, шунингдек, парламент палаталари қўшма қарорининг мазмун-моҳиятини сайловчиларга тушунтириш, партиянинг барча бўғинларида таҳлилий материаллар тайёрлашни кучайтириш, сиёсий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича туркум тадбирлар ўтказиш белгиланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ягона тизим яратиш, партия билимларининг сиёсий билимларини ошириш, партия ташкилотларини интилувчан ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратилди, албатта. Йиғилишда таъкидланганидек, бундан қўзғалган асосий мақсад — вакиллик ва ижро ҳокимияти органларида О'зЛиДеП нуктаи назарини лозим. Уларнинг фаолияти замон талаблари даражасида йўлга қўйилмас экан, дастурий мақсадла-



ислохотлар босқичида партиявий вазифаларни ҳал қилишда аниқ тақлифлар кирита оладиган, замонавий фикрловчи раҳ-

барларни тайёрлашдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, дастурдаги чора-тадбирларни амалга оши-

риш О'зЛиДеПнинг Концепцияси ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган вази-

фаларни ҳаётга татбиқ этишда нафақат кузатувчи, балки фаол иштирокчи бўлиш имкониятларини янада кенгайтиради.



Барно АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори ҳақиқатан ҳам О'зЛиДеП, хусусан, парламент кўйи палатасидаги фракциямиз фаолиятини бугунги талаблар даражасида қайта кўриб чиқиш, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлардан жиддий ҳулосалар чиқариш лозимлигини англатади. Биз кучли парламент назоратини йўлга қўйиш, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини кескин жонлантириш орқалигина Президентимиз Концепциясида ва Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишга эришишимиз мумкин. Бунда партиянинг барча тузилмалари фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этиш биринчи галдаги вазифага айланиши лозим.



Абдурашид АЛТИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг парламентдаги ҳисоботи бўйича эълон қилинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори ҳукумат билан бир қаторда парламент зиммасига ҳам жуда катта вазифалар юклади. Хусусан, унда асосий эътибор ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларини ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш масалаларига қаратилди. О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг бугунги мажлисида фракция ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини биринчи навбатда бозор ислохотлари бўйича ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада ислох қилиш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, парламент ва ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини ошириш масалаларига қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бу йўналишда қонун лойиҳаларини чуқур танқидий таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, уларни тайёрлаш бўйича кенг муҳокамалар ва жамоатчилик экспертизасини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу ишга тадбиркорлик тузилмалари, мажлис ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бир сўз билан айтганда, бугун депутат ва сенаторлардан, жойлардаги депутатлик гуруҳлари вакилларидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада изчил фаолият юритиш талаб этилмоқда. Айниқса, маҳаллий кенгаш депутатларининг сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, ўз ваколатларидан унумли фойдаланишига эришиш учун мажлисда таъкидланганидек, таҳлилий, назорат-таҳлилий фаолиятни йўлга қўйиш ва сиёсий таълим сифатини ошириш зарур.



Илхон БОТИРОВ, О'зЛиДеП Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Ҳақиқатан ҳам бугунги демократик ўзгаришлар барча даражадаги ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини талаб этмоқда. Шу боис ҳам ўтган даврда партия дастурларида белгиланган мақсад ва вазифалар асосида депутатлик гуруҳлари ишини сифат жиҳатдан ошириш, сессиялар кун тартибига электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда масалалар киритиш орқали маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитишни йўлга қўйдик. Хусусан, 2011 йилнинг олти ойида «Микрокредитбанк» ва Халқ банкининг вилоят бўлиmlари мутасаддилари, шунингдек, вилоят бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва дастурий таъминот бозорини ривожлантиришга оид ишлар юзасидан Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси раҳбарининг ҳисоботи эшитилди. Лекин бугунги мажлисда билдирилган фикрлардан кейин ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўпчилиги, кенгаш фаолиятига нисбатан билдирилган камчиликлардан жиддий ҳулосалар чиқариш кераклигини англаб етдик. Бугунги тадбир депутатлар ва партия фаолларининг қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти устидан назоратни амалга оширишда хусусий мулк қамровини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини англатади.



Шароф АМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеП фракцияси аъзоси:

Ҳозирги кунда ўзининг янги босқичини кечираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг дунё иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш масаласида турли фикрлар билдирилаётгани бежиз эмас. Ана шундай бир пайтда партиямизнинг барча бўғинларидаги вакиллари эътибори 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлашга қаратилиши зарур. Биз иқтисодиётимизнинг нафақат бугунги кунги, балки унинг кейинги аҳвали ҳақида бугунданок қайғуришимиз зарур. Бу эса депутатлар ва барча фаолларимизнинг салоҳиятини оширишни талаб этади. Бунинг учун, аввало, партиямизнинг барча даражадаги тузилмалари фаолиятини тубдан ўзгартариш керак бўлади. Бунинг учун эса биринчи галда аҳоли орасида иш олиб борувчи бошланғич ташкилотлар ролини кучайтириш лозим. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи томонидан муҳокама этилаётган масалалар, энг аввало, ана шу бўғинларда кўриб чиқилиши, кейин эса шахар, туман кенгашларига киритилиши керак. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳларининг парламентдаги фракциямиз билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш лозим. Чунки фракция аъзолари электоратни ўйлантираётган масалаларни қонун лойиҳаларида акс эттиришда айнан жойлардаги депутатлик гуруҳлари фикр-мулоҳазалари ва тақлифларига таянади. Ҳудудий партия ташкилотлари бугунги мажлис қароридан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳлари билан ишлаш режасига жиддий ўзгаришлар киритиш, улар фаолиятини ўз назоратларига олсалар, айни мuddао бўларди.

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## Ибрат

### Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш — устувор вазифа



Хурриятхон қўргонтепалик машҳур бешикчи уста хонадонига келин бўлиб тушганида бир кун келиб ўзи ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди

Илхомжон ЭГМНАЗАРОВ, «XXI ASR»

**АНДИЖОН.** O'zLiDeP Бўз туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида кенгашнинг 2008-2010 йиллардаги фаолияти юзасидан кенгаш раиси Х.Омоновнинг ҳисоботи тингланди. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида кенгаш фаолиятини йўлга қўйишда асосий эътибор аҳоли орасида либерал-демократик ғояларни кенг тарғиб этиш, тадбиркорлар ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, улар учун жойларда зарур шарт-шароит яратиш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Бугунги кунда туманда 32 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофида 570 дан ортиқ азони бирлаштирган ҳолда фаоллик олиб бормоқда. Йиғилишда эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинар экан, партиясиз туман кенгаши ишини бугунги кун талаблари асосида янада фаоллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда амалий тақлиф ва ташаббуслар билан қатнашиш, электротар вакиллари йўлантираётган муаммоларни ҳал этиш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш лозимлиги таъкидланди. Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган ғоялар ва қонунчилик ташаббусларини аҳоли орасида кенг тушунириш, ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш туман партия ташкилотининг устувор мақсадларидан бирига айланиши зарурлигини қайд этдилар. Конференцияда Х.Омонов O'zLiDeP туман кенгаши раислигига қайта сайланди.

**СИРДАРЁ.** Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ёшларнинг куч ва имкониятларидан самарали фойдаланиш ислохотларнинг ҳозирги босқичида алоҳида аҳамият касб этади. O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Гулистон шаҳридаги "Мавнавият ва маърифат" марказида "Битта тадбиркор — учта ҳамкор" мавзусидаги партиявий лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирда партия Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва ОАТБ "Микрокредитбанк" вилоят филиали вакиллари, шунингдек, ёш тадбиркорлар иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар бизнес соҳасига кириб келаётган ёшларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, шу орқали кишлоқ ҳудудларида қўшимча иш ўринлари яратишга муносиб ҳисса қўшиш партиянинг муҳим вазифаларидан бири эканини таъкидладилар. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича банк-молия, солиқ идоралари вакиллари томонидан ёшларга зарур йўл-йўриқ ва тавсиялар берилди.

**ХОРАЗМ.** O'zLiDeP Янгиорқ туман кенгаши ташаббуси билан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз иқтисодий барқарорлигининг кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда "Аёллар қаноти" фаоллари маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Учрашувда "Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари" лойиҳаси доирасида аёл тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштириш таъминлаш, улар фаолияти билан боғлиқ муаммоларни депутатлик гуруҳлари орқали маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича ҳам муҳим тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

**ЖИЗЗАХ.** "Мустиқиллик туфайли мулкдор бўлдим". O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Жиззах шаҳридаги "Жиззах-Кўхунур" хусусий корхонасида ташкил этилган партиявий акция ана шундай номланди. Унда партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Нуралӣ Раимов сўзга чиқиб, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда мулкдорлар қатлами шакллантириш учун кенг имкониятлар яратилгани, бугунги кунга келиб ўрта синф тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланганини таъкидлади. Сўзга чиққанлар ўзлари эришаётган ютуқлар мустиқиллик билан ҳаммаюм боғлиқ эканини, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, учрашувда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича вилоят партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо берилди. Тадбир давомида ёшлар учун деҳқон-фермер хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш йўналишлари бўйича амалий машғулотлар ҳам ўтказилди. Партия электротари вакиллари — тадбиркор ва фермерлар томонидан тайёрланган махсулотлар кўргазмаси тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

### Лалми бог нишона кўрсатди

Узун туманидаги "Мехроҳ-ШКХ" улгуржи чакана савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси уч гектар майдонда чет эл технологияси асосида ярим пакана интенсив бог барпо этиди. Айни пайтда Сербия давлатидан келтирилган олма, олхўри ва гилос ниҳоллари бир текис ривожланмоқда. — Хориждан келтирилган мева дарахтлари серхосил ва сифатлиги билан катта қизиқиш уйғотди, — дейди корхона раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Курбон Шукуров. — Кўчатлар кутилганидай дастлабки йиллик нишона кўрсатди. Ҳозир уларни чехиялик мутахассислар тавсияси асосида парваршлаяпмиз. Жорий йилда Сурхондарё вилоятининг тоғли ва тоғолди туманларида 183 гектар майдонда хориж технологияси асосида ана шундай бог барпо этилди. Шу йил баҳорда экилган дарахт кўчатлари бир текис кўкка бўй чўзаётди. Мутахассисларнинг фикрича, бир гектар майдондаги интенсив бог тўлиқ ҳосилга киргач, дастлаб бир тонна, иккинчи йили беш, бешинчи йилдан бошлаб 50 тоннагача ҳосил беради. Энг муҳими, улар сувсизликка чидамли бўлиб, асосан қир-адирларга экилади. Фарҳод ТОШБОВЕВ тайёрлади.

Чунки турмуш ўртоғи Музаффаржон Тешабоев — ҳуқуқшўнос. Ўзи эса иқтисодчи. Бир неча йил ўз соҳасида ишлаб, обрў-эътибор орттирди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганидан кейин эса O'zLiDeP Кўргонтепа туман кенгашида БПТлар бўйича консультант вазифасида ишлаб боради. Айни пайтда "Моҳинур нурли келажаги" хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ҳам самарали бошқариб келмоқда.

Корхона махсулотларини нафақат Кўргонтепада, балки бутун Андижонда яхши биладилар, десак, муболага бўлмайди. Энг муҳими, ушбу жамоада меҳнат қилаётган кўли гул чеварларнинг барчаси O'zLiDeP аъзоларидир. Бу ерда ташкил этилган бошланғич партия ташкилотига эса Хурриятхон Абдурашулованинг ўзи етакчилик қилапти.

Хурриятхон жорий йилда O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мактебини ошириш бўлими томонидан пойтахтда ўтказилган "Тадбир-



корлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари" ўқув-семинарида муваффақиятли қатнашиб, 24 миллион сўм имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни кўлга киритди. «Моҳинур нурли келажаги»да асосан болалар ва катталар учун кийим-бош тикилар эди. Яқинда бу ерда қийимларни қайта ишлаш орқали аҳоли эҳтиёжи учун ёстиқ,

бўлаётдилар. Энг қувонарлиси, уларнинг издошлари йилдан-йилга кўпайиб борапти.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Юқорида таъкидланган хислатларга эга инсонлар сира кам бўлмасликларини хаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Оқддий бир мисол. Яқинда вилоят марказида ўтказилган «Янги иш ўринлари» ярмаркасида «Моҳинур нурли келажаги» ҳам ўз махсулотлари билан иштирок этди. Хурриятхоннинг қайнонаси Уктамхон опа ва турмуш ўртоғи Музаффаржон томонидан тайёрланган йиғма бешик ва бешик анжомлари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, бешикнинг тағ тўшаклари ҳам арзон, ҳам сифатли, ҳам қақалоқларга мослаштирилгани билан кўпчилик эътиборини тортиди. Бешик ёпқичлари ҳам миллий матолар — адрас, беқасам ва баҳмалдан тайёрлангани уларнинг янада хариддор-гир бўлишини таъминламоқда.

Бундан ташқари, Уктамхон ая «Уста-шоғирд» мактабининг ҳам яратиб, кўллаб ёшларга касб сирларини ўргатмоқда. Бугун Хурриятхон Абдурашулованинг сафдошлари Кўргонтепада кўпчиликни ташкил этади. Унга ҳавас қилиб, қайнонаси Уктамхон опа таълимни олганлардан йигирма нафари мустиқил фаолият юритмоқда. Хурриятхоннинг ўзи эса партия ишларини бекаму кўст бажариш бораборида қайнона-қайнона хизматини ҳам жойига қўймоқда.

## Масала вилоят кенгаши сессиясига киритилади

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорининг вилоятдаги ижросини ўрганиб, ана шундай хулосага келдилар

Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»

чорвачиликка ихтисослашган хўжалиқлар томонидан 93322 тонна гўшт, 271806 тонна сут етиштирилгани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қорамоллар сони 20,4 минг, қўй-эчкилар 34,9 минг, парранда сони эса 193,4 минг бошга кўпайган.

Соҳада юз бераётган ижобий ўзгаришлар туманлар кесимида таҳлил қилинса, қизилтепалик чорвадорларнинг туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар кўмагида эришаётган ютуқлари яққол кўзга ташланади. Хусусан, тумандаги фермер хўжалиқларида жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар 79630, қўй-эчкилар 121600, парранда 332370, йилки ва туялар 300 бошни ташкил этган. Ўтган йилнинг ўзида 2203 тонна гўшт, 13154 тонна сут ҳамда 8 миллион 800 минг тоннадан зиёд тухум истеъмолчиларга етказиб берилган.

Айниқса, «Кубаро Диев» фермер хўжалигидаги ишлар таҳсинга лойиқдир. Бу ерда чорвадорлар учун барча шароитлар яратилган. Чорва моллари сақланадиган замонавий бинолар, гўштни қайта ишлаш цехида қолбаса махсулотлари иш-

лаб чиқарилаётгани соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Шунингдек, наслчиликни яхшилаш ва балиқ-

тўғрисидаги қарори ижроси ўрганилганда айрим туманларда қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди.

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ЮРТБОШИМИЗНИНГ «ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИҚЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАРИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЎРГАНИЛГАНДА АЙРИМ ТУМАНЛАРДА ҚАТОР КАМЧИЛИКЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАНИ АНИҚЛАНДИ

чилиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 380 бош қорамол, 1500 бош қўй-эчки, 50 бош от ва 10 бош туя боқилаётган хўжаликда йилга 50 тоннадан зиёд гўшт, 150 тоннага яқин сут махсулотлари тайёрланмоқда.

Лекин халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Акмал Халилов. — Чунки баъзи бир чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжалиқлардаги қорамоллар бош сони ўтган йилга нисбатан камайган. Баҳром Эшнӣёзов раҳбарлик қилаётган «Истиқлол 10 йиллиги» фермер хўжалигида 280 бош қорамол учун 126 гектар ер ажратилиши керак эди. Амалда эса бу кўрсаткич 60 гектарни ташкил эт-

моқда. Ваҳоланки, «Фермер хўжалиқлари тўғрисида»ги қонунга биноан чорвачиликка ихтисослашган хўжалиқларда ҳар

бир қорамол учун 0,45 гектар ер ажратилиши зарур. Лекин Хатирчи туманида бу талабга ҳар доим ҳам риоя этилмапти.

Вилоятнинг Нурота туманида ҳам фермерлик ҳаракати ривожига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар партияимиз электротари вакиллариининг самарали фаолият кўрсатишига тушов бўлапти. Мисол учун, айрим маҳаллий раҳбарлар, мутасадди ташкилотларнинг лоқайдлиги туфайли электр энергияси таъминотида, тайёрлов корхоналаридан емолишдаги бюрократик тўсиқлар фермерлар фаолиятини ривожлантиришга ҳалақат қилапти. — Депутатларимиз то-

монидан Кармана, Навбахор ва Қонимех туманларида ҳам юқоридагидек ҳатоларга йўл қўйилаётгани аниқланди, — дейди O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Камол Йўлдошев. — Баъзан фермерларга емо етказиб бериш, газ ва электр таъминотидаги узилтишлар ана шундай муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Йиғилиш кун тартибидидаги масала юзасидан мунозараларда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Солиев, Кармана туманидаги «Бешкент» фермер хўжалиги раҳбари Болта Аҳмедов, халқ депутатлари Навбахор туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Суннатилла Ражабов ва бошқалар вилоятда чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш, гўшт ва сут махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги натижаларни янада яхшилаш, ечимини кутаётган муаммоларга партия фаоллари жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Шунинг учун ҳам ушбу масалани халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

## Баркамол авлод тарбияси учун масъулмиз

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ўринбосари Салом САМАДОВ  
«XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради

Сухбатдош:  
**Зумрад АБРОРОВА,**  
«XXI ASR»

Фарзандлари соғлом, ўғил-қизлари баркамол униб-ўсаётган ҳар қандай юртнинг келажаги порлоқ бўлади, албатта. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратила бошланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тегишли қонулар, тизимни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаштиришга қаратилган давлат дастури ишлаб чиқилди. Уларнинг изчил амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, янги авлод вакиллари соғлом ва баркамол воёга етишлари учун мустаҳкам замин яратилди.

— Салом Исматович, мамлакатимизда келажақ авлод тарбияси барча давлат муассасалари қатори прокуратура органларининг ҳам доимий диққат-эътиборидадир. Айниқса, воёга етмаганларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг энг асосий вазифалари сирасига қиради. Сухбатимиз аввалида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам воёга етмаганларга оид қонулар ижросини назорат қилиш, ёш авлод вакиллари ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ йўналишда амалга оширилган прокуратура органларида ҳам биринчи даражада

аҳамият берилаяпти.

Масалан, жорий йилнинг 6 ойидагина воёга етмаганлар ҳақидаги қонулар ижроси юзасидан назорат тартибда 228 та текширувлар ўтказилди. Болалар тарбиясига масъул соҳа вакиллари кенг кўламли ҳамда ибратли ишларни амалга ошираётганликларини таъкидлаш баробарида ушбу муҳим ишга панжа орасидан қараб келинаётгани, хатто айрим мансабдор шахслар жиноятга қўл ураётгани каби ноҳуш ҳолатлар ҳам учраётганини айтиш лозим. Чунки оқорида тилга олинган текширувлар чоғида масъул шахслар томонидан қабул қилинган ноқонуний қарор ва буйруқлар юзасидан 170 та протест келтирилиб, уларнинг барчаси қондирилишига эришилди. Аниқланган қонунбузилишлар бўйича 312 та тақдирнома киритилиб, 548 та қарор қабул қилинди. 1055 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

— Болакайлар ҳақидаги ҳақиқат килаётганлар ёки улар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйганлар тўғрисида мисоллар келтира оласизми?

— Эллиққалъа қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи мансабдор шахслари томонидан коллеж биносини таъмирлаш учун ажратилган 20 млн. сўм миқдоридagi бюджет маблағлари ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилинганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар тегишли жазоларини олдилар.

Ёки Беруний туманида рўй берган воқеани олайлик. Абай овул фуқаролар йиғини масъуллари «Воёга етмаган

болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги низоом талабларини бузиб, 7 та ҳолатда жами 4 млн. 52 минг сўм миқдорда бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилганлар. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги таъминланди.

Афсуски, орамизда ҳатто ўз фарзанди келажаги учун бефарқ одамлар ҳам учраб турибди. Нукус шаҳрида ҳали воёга етмаган қизлари — Юлдуз ва Динара Баҳодирова-ларни ўз ҳолига ташлаб қўйган, ичкиликбозликка ружу қўйган Баҳодир Юлдашев ана шундай масъулиятсиз кимсалардан биридир. Прокуратура мазкур ҳолатни атофлига ўрганиб чиқиб, уни оталик ҳуқуқидан маҳрум этиш бўйича судга даъво аризаси киритди.

— Жамиятимиз учун ёт бундай кўринишларнинг олдини олиш, хусусан, воёга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоялаш бўйича қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Бу борада соҳага масъул идора ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳам яқин ҳамкорликда фаолият юритилаётганини таъкидлаш лозим.

Масалан, бевосита республика прокуратураси ташаббуси билан Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи, Нукус шаҳрида жойлашган санаторий типидagi «Булбул» мактабгача тарбия муассасаси, Беруний туманидаги 18-сонли «Баҳор», Чимбой туманидаги 8-сонли «Гумша», олис Мўйноқ туманидаги 4-сонли «Гунча» мактабгача тарбия муассасалари, Тўрткўлдаги «Баркамол авлод» болалар маркази мукамал таъмирдан чиқарилиб, энг замонавий

лашга оид халқаро ва миллий

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами нашр этилиб, тарқатиб чиқилди. Шунингдек, мазкур идораларнинг доимий назоратидадир. Шунингдек, мазкур муассасалар битирувчиларининг кейинги тақдирини ҳам эътиборимиздан четда қолмаяпти. Масалан, Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи битирувчилари Курбанбай Наурузбаев, Дауран Жузбаев, Наргиза Ўринбоевага Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети, Нурайым Жайлибаева, Роза Сапарбаевага Тошкент педиятрия-тиббий институтининг Нукус филиалига, Гулназ Жайманованинг Тошкент санъат институти Нукус филиалига ўқишга киришларида амалий кўмак берилди.

Республика 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ака-ука Асан ва Усең Сағиндиқов, Шижназар Жуманиязов Кўнғирот локомотив депосига ишга жойлаштирилди. Ушбу муассасанинг яна 9 нафар битирувчиси Нукус шаҳридаги 22-кичик туманда турар-жой билан таъминланди. Касб-хўнар коллежлари битирувчиларининг аксарияти эса ишга жойлаштирилди.

— Ўсмирлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар қандай самара бермоқда?

— Республика прокуратураси ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни Конституция ва қонуларни ҳурмат этиш руҳида тарбиялаш мақсадида барча шахар ва туман прокуратуралари томонидан таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш бирлашмалари, бандликка кўмаклашиш марказлари ва бошқа мутасадди идораларга воёга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъмин-

лашга оид халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами нашр этилиб, тарқатиб чиқилди. Шунингдек, мазкур идораларнинг доимий назоратидадир. Шунингдек, мазкур муассасалар битирувчиларининг кейинги тақдирини ҳам эътиборимиздан четда қолмаяпти. Масалан, Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи битирувчилари Курбанбай Наурузбаев, Дауран Жузбаев, Наргиза Ўринбоевага Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети, Нурайым Жайлибаева, Роза Сапарбаевага Тошкент педиятрия-тиббий институтининг Нукус филиалига, Гулназ Жайманованинг Тошкент санъат институти Нукус филиалига ўқишга киришларида амалий кўмак берилди.

Шу ва бошқа саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда. Масалан, 2010 йилда ўтказилган «Президент асарлари билимдон» кўрик-танловининг якуний босқичида 9-ихтисослаштирилган республика мактаб ўқувчиси Хурлиман Қўзибаева 1-ўринни эгаллади. Нукус шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг ўқувчилари Айнура Сапеева ҳамда Бийибади Қайпованинг Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари бўлганлари, қорақалпоғистонлик ёш спортчилар кейинги етти йилда Жаҳон, Осиё чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, 34 та олтин, 30 та кумуш ва 36 та бронза медалларини қўлга киритганлари ҳамкорликдаги ҳаракатларимиз зое кетмаётганидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни етук ва қомил инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг, нафақат ота-оналик, балки фуқаролик ва инсонийлик бурчимиздир. Уларни мустақил юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари этиб воёга етказиш бошқа тизимлар қатори прокуратура ходимларининг ҳам асосий вазифаси бўлиб қолаверад.

## Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч



## Истиқлолдан — истиқболга

Бугун Қашқадарёдаги фермерлар билан суҳбатлашсангиз, Президентимизнинг воҳа фермерлари ва қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари билан учрашувидан галла ҳосилдорлиги, уруғчиликнинг бугунги аҳволи, соҳадаги ютуқ ва камчиликлар, келгусидаги устувор вазифалар ҳақида маслаҳат ва тавсиялар берганлари уларнинг кўнглини тоғдай кўтарганига ишонч ҳосил қиласиз

Мусурмон РЎЗИЕВ,  
«XXI ASR»

ги куни рисоладагидек инсонгина эртанги кунини аниқ белгилай олади.

— Давлатга галла сотиш бўйича шартнома-режасини 36 тонна ортиги билан бажардик, — дейди у фахр билан. — Ҳар гектаридан ўртача 45 центнердан ҳосил олдиқ. Фермер ҳўжалиги ихтиёридаги 25 тонна галланнинг бир қисmini ишчи-хизматчилар ва кам таъминланган оилаларга бепул тарқатдик. Галладан олган фойда ҳисобига барча замонавий қулайликларга эга «Клаас-доминатор» комбайнини сотиб олмақчиман.

Баҳорда 70 гектар ерга чигит қадаган фермернинг гўза ривожидан ҳам кўнгли тўқ. Унинг 70 дан зиёд ишчи дам олиши учун мўлжалланган электр энергия ва иссиқ сув таъминотига эга, совутгич қурилмалар ва маиший жиҳозлар ўрнатилган дала шийопанга эса барчанинг ҳаваси келади.

— Ҳа, Қосим ақанинг режалари улкан. Зеро, бугун-

— Ҳа, Қосим ақанинг режалари улкан. Зеро, бугун-

— Ҳа, Қосим ақанинг режалари улкан. Зеро, бугун-

## Адвокатура институти такомиллашмоқда

Энг олий кадрят — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган адвокатура тизими фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан ҳисобланади

Бекзод РАҲМОНОВ,  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси

Истиқлол йилларида мазкур соҳани ривожлантириш учун етарлича шарт-шароит яратилганини мутахассислар беҳиз таъкидламаяптилар. Бу йўлдаги дастлабки кадам сифатида 1992 йилнинг 13 мартда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси ташкил этилгани, кейинчалик «Адвокатура тўғрисида» ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»-ги қонулар қабул қилинганини тилга олиш мумкин. Уларда мазкур фаолиятнинг энг муҳим жиҳатлари, адвокатларнинг касбий дахлсизлиги ва кафолатларини таъминлашга қаратилган муҳим нормалар белгиланди.

Аммо суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар қонунчиликда адвокатлик фаолияти билан боғлиқ айрим жиҳатларни аниқ тартибга солиш лозимлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Шунинг учун ҳам 2008 йилнинг 1 майида «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент фармони қабул қилиниб, унда адвокатура институтининг ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди ва шу асосда 2008 йилнинг 19 ноябрда «Адвокатура институти тасоҳмиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун қабул қилинди. Натияжада «Адвокатура

тўғрисида»-ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»-ги қонуларга бир қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, адвокатга жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мустақил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, адвокатнинг қўрилаётган ишда иштирок этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ўзига ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишда тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рўхсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилди. Эндилликда бунинг учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасасининг ордери кифоя. Қонунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгариштириш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ тизимининг узвий бўлаги ҳисобланган адвокатура соҳасидаги изчил ислохотлар мазкур институтнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустақил ва самарали механизмини яратишга хизмат қилмоқда.

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Ҳурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар! Тижорат банклари томонидан банк хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатларига риоя этилмадик ҳолатларига йўл қўйилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки унинг худудий Бош бошқармаларида мунтазам ишлаб келаётган

### «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»га

кўнғироқ қилишингиз мумкин.

Мутахассислар томонидан Сизнинг муножаатингиз қисқа муддатда қўриб чиқилиб, уларда кўтарилган масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этиш юзасидан барча зарурий чоралар қўрилади.

### «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»НИНГ РАҚАМЛАРИ:

1	Марказий банкнинг республика аппарати	(8 371)	212-61-95, 212-61-96
2	Қорақалпоғистон Республикаси	(8 361)	224-12-02
3	Андижон вилояти	(8 374)	224-45-97
4	Бухоро вилояти	(8 365)	223-01-32
5	Жиззах вилояти	(8 372)	226-28-38
6	Қашқадарё вилояти	(8 375)	221-11-32
7	Навоий вилояти	(8 436)	226-10-97
8	Наманган вилояти	(8 369)	226-41-11
9	Самарқанд вилояти	(8 366)	231-08-69
10	Сурхондарё вилояти	(8 376)	227-52-71
11	Сирдарё вилояти	(8 367)	228-74-28
12	Тошкент вилояти	(8 371)	244-73-25
13	Фарғона вилояти	(8 373)	224-09-38
14	Хоразм вилояти	(8 362)	226-18-95
15	Тошкент шаҳри	(8 371)	212-62-58

Шунингдек, Интернет орқали ҳам муножаат қилишингиз мумкин:  
webmaster@cbu.uz, info@cbu.uz  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

### ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга муножаат этиң!

Мавзун: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасуёв 6 даҳаси 19-1 нў.  
Тел: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

## «Чедок» Ўзбекистонни танлади

Чехиянинг машҳур «Чедок» туристик агентлиги ўз йўналишига «Ипак йўли — Ўзбекистон марвариди» номли мамлакатимиз бўйлаб тўққиз кунлик саёҳат лойиҳасини киритишга қарор қилди. Туристларнинг юртимизга дастлабки сафарлари 2011 йилнинг 6-14 ва 9-17 сентябрь кунлари амалга оширилади. Улар мамлакатимиз пойтахти ҳамда ЮНЕСКО рўйхатида киритилган Хива, Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанд шаҳарларида бўладилар. Ҳазрати Имом мажмуасига таширф буюриб, у ерда сакланаётган VII асрга таалуқли Қуръон китобини кўришга ҳам муваффақ бўладилар. Сайёҳларнинг мамлакатимизга келиб-кетишларида Чехиянинг «CSA» авиакомпанияси хизматидан фойдаланилади.

# БАНК ТИЗИМИ



32 (404)-СОН

2011 йил 11 август,  
пайшанба

e-mail:  
axborotXXlasr@yahoo.com



*Мамлакатимизда қўлай бизнес муҳити яратилгани, хусусий мулк устуворлиги таъминлангани ўз самараларини берапти. Ушбу жараёни банк муассасалари фаолиятдан айри тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Зеро, улар иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда барқарор молиявий таянч вазифасини ўтамоқда*

## Давр билан ҳамқадам «Davr-Bank»

Молиявий салоҳияти, ликвидлик кўрсаткичлари бўйича мамлакатимиз банклари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаётган «Davr-Bank»нинг капитал қўйилмалари ўтган йиллар давомида 17 баробарга кўпайиб, 14 млрд. сўмга етди. Бу эса, айтиш мумкинки, ҳар қандай банк учун юқори натижадир



«Davr-Bank» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банкининг ташкил этилганга эндигина ўн йил бўлди. Ана шу қисқа давр орасида у мамлакатимиз молия бозорида муносиб макени эгаллаётган десак, асло хато бўлмайди. Хозирги кунда банк 4000 дан зиёд мижозларга хизмат кўрсатаётган. Бошқача айтганда, ўтган муддат ичида уларнинг сони 50 баробарга кўпайди.

Мижозлар манфаати йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Зеро, «Davr-Bank» барча турдаги замонавий хизматларни кўрсата оладиган универсал кредит ташкилотларидан биридир.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири саналади. Улар учун имтиёзли шартларда кредитлар ажратилаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши, бу борада тегишли давлат дастурининг ишлаб чиқилиши банк жамоасини алоҳида масъулият билан иш юритишга ундаётган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларига микрокредитлар ажратиш, уларга турли хил консалтинг хизматлари кўрсатишга жиддий эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Масалан сифатли сўт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Milk Fresh» корхонаси ҳам «Давр банк»нинг мижозидир.

— Дастлаб фаолиятимизни 2 та ишчи билан бошлаган эдик. Банкнинг тезкор қўллаб-қувватлаши эвазига хозирги кунда корхонада 15 киши иш билан, дейди корхона раҳбари Жаҳонгир Мирзаахмедов.

Маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик субъекти ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш учун тижорат банклари билан манфаатли ҳамкорликка муҳтож. Бу эса ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, истеъмол бозорлари бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, пухта ўйланган инновацион тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Банк жамоаси шунга назарда тутиб, хизмат сифатини оширишга ҳамда уни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Банк активлари таркибида кредит маблағлари салмоқли ўрин тутаяди. Кредит қўйилмаларининг ўсиш ҳажми ўтган йил бошига нисбатан 1,5 баробарга кўпайгани ҳам фикримиз далилидир.

Саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, барқарор ривожланиётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кредит линиялари очилди, шунингдек, жисмоний шахсларга истеъмол кредитлари ажратиш банк кредитлаш сиёсатининг устувор йўналишлари саналади.

Ликвидликни сақлаб қолиш ва таваккалчиликларни минималлаштириш — пассивларни жалб этиш ва банк активларини жойлаштириш жараёнида устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. 2009 йилда кредит портфелининг қолдиги 2008 йилга нисбатан 131,1 фоизга ўсган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 245,6 фоизни ташкил этди.

Давр руҳидан келиб чиқиб, ҳудудларда филиаллар тармоғи кенгайтирилмоқда. Айни пайтда жойларда «Davr-Bank»нинг бешта филиали ва учта минибанки фаолият юритмоқда. Молиявий амалиётлар жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳам ўз самарасини бераётган. 2010 йилдан бошлаб пластик карточкалар асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу эса мижозлар учун ҳар томонлама қўлайлик туғдирмоқда. Савдо-хизмат кўрсатиш корхоналарига берилаётган терминалларнинг кўпайтирилиши, ўз навбатида, қўйилмалар ҳажмининг ошишига олиб келаяпти. Агар 2009 йилда қўйилма маблағлари 258,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил бошидан бери улар 8,6 баробарга кўпайиб, 2,2 млрд. сўмга етди.

Умуман, ўтган йиллар давомида «Davr-Bank» изчил фаолият юритиб, ўз ресурслари ҳажмини кенгайтира олди. Эришилган натижалар чегара эмас, албатта. Танланган йўлни изчил давом эттириб, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш банк жамоасининг асосий мақсадидир.



## КАПИТАЛБАНК — Ишончли шерикликдан — молиявий барқарорликка

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар барча соҳада бўлганидек, молия-банк тизимида ҳам ўз самарасини бермоқда. Бу, шубҳасиз, жойларда пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир. Натижада замон талаблари даражасидаги банк муассасалари шаклланиб, улар кўмағида халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда

Молия бозорига ролпароса ўн йил илгари кириб келган очик акциядорлик-тижорат «Капиталбанк» ҳам мазкур жараёнларнинг фаол иштирокчиларидан бири саналади.

Бугунги кунда банк Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида жойлашган 10 та филиали ва 50 та минибанки орқали мижозларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатаётган. Ўзаро ҳамкорликдан ҳар икки томон тўла манфаатдор. Бу эса банк фаолиятининг янада кенгайтириш, ўз хизматлари билан республикамизнинг турли ҳудудларига кириб бориши учун имконият яратмоқда. Яқин кунларда Тошкент, Наманган вилоятлари ҳамда Қўқон шаҳрида банкнинг янги филиаллари ва минибанкларини очиб режалаштирилган.

Хозирги тараққиёт даражасини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан

айри тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Ушбу соҳа иқтисодиётининг лоқомоти сифатида таърифланаётгани ҳам бежиз эмас. Хусусий сектор вакилларининг истиқболли лойиҳалари тижорат банклари томонидан ўз вақтида молиялаштирилмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан бери биргина «Капиталбанк» томонидан ана шу мақсадлар учун 52,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилган фикримиш далилидир.

Маълумки, Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига муҳим, долзарб вазифалар ўртага қўйилган. Банк жамоаси шундан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Жорий йил июль ҳолатига ажратилган кредит сармоёлари 9,2 млрд. сўмни ташкил этди. Шу ҳисобдан 198 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Муҳими, банк маблағлари озиқ-овқат саноатини ривож-

лантириш, бозор пештахталарини маҳаллий шароитда тайиннинг лоқомоти сифатида таърифланаётгани ҳам бежиз эмас. Хусусий сектор вакилларининг истиқболли лойиҳалари тижорат банклари томонидан ўз вақтида молиялаштирилмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан бери биргина «Капиталбанк» томонидан ана шу мақсадлар учун 52,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилган фикримиш далилидир.

«Капиталбанк»нинг фаолият доираси анча кенг. Юқори сифатли, рақобатбардош ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, турларини кўпайтириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда ана шу мақсадлар учун 10,6 млрд. сўм

миқдорида кредит маблағи ажратилди. Унинг 1,4 млрд. сўми технологик ускуналар харид қилиш, 9,2 млрд. сўми эса ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга йўналган зарур ҳом ашё ва материаллар сотиб олиш учун йўналтирилди.

Муҳими, банкнинг мақсадли кредитлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, шу орқали ички бозорни сифатли озиқ ва ноозик-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, ва ниҳоят, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган. Олдинда кўзланган режалар кўп. Уларни амалга ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Шубҳа йўқки, «Капиталбанк» жамоаси ўзи танлаган йўлдан бориб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, мижозлар сифатини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига намунали хизмат кўрсатиш учун қатъият билан иш олиб бораверади.

## «Туркистонбанк»: хизмат қўлами кенгаймоқда

Қутлуғ айём — истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида молия муассасалари ҳам мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифати ва маданиятини янада оширишга интилоқда

Хусусан, «Туркистон» хусусий очик акциядорлик-тижорат инвестиция банкида ҳам пул-кредит муносабатларини такомиллаштиришга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида банк томонидан фақатгина хусусий сектор вакилларига 16,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, шу ҳисобдан 175 та янги иш ўрни яратилди. Бу эса 2010 йилнинг айни даврига нисбатан қарийб 1,5 ҳиссага кўпдир.

Ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва озиқ-овқат ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, янги корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ҳам банкнинг молиявий ёрдами катта бўлмоқда. Хозиргача ана шу мақсадлар учун 14,3 млрд. сўм, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга эса 1,2 млрд. сўм миқдорида сармоя йўналтирилди.

— Мамлакатимизда қабул қилинган иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ҳисобга олган ҳолда кредитлаш ва молиялаш ишларини намунали ташкил этиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида кенг миқёсдаги инвестиция фаолиятини амалга ошириш асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди банк бошқаруви раиси Шухрат Аббосов. — Бу эса зиммаизга алоҳида масъулият юклайди. Пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш, халқ хўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаолиятини қўлайлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ўз ишларимизни қайта кўриб чиқаямиз. Хусусан, шу кунгача қўшимча эмиссия қилинган 6 млрд. сўм миқдоридидаги акциялар тўлиқ жойлаштирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида банк устав капитали сезиларли даражада ортди. Захира капитали эса 1 юли ҳолатига 387,8 млн. сўмга етказилди. Муддатли депозитларнинг 59,3 фоизини узоқ муддатли депозитлар ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, илғор тажрибаларга таяниш, замон талабларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш банк фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. 2011 йил 1 июль ҳолатига банк активлари 40 161,6 млн. сўмни ташкил этгани, жами активларнинг 26 627,6 млн. сўми ёки 66,3 фоизи даромад келтирувчи активлар экани ҳам шундан далолат бермоқда.

Шунинг 92,9 фоизи кредит портфели, 4,5 фоизи қимматли қозғалар портфели бўлса, 2,6 фоизи банклараро депозитлар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган олти ойда банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларга 24 млрд. 855 млн. сўм кредит ажратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланиши бошқа соҳа идоралари қатори тижорат банкларига ҳам иқтисодиётимиз лоқомоти сифатида таърифланаётгани ҳам бежиз эмас. Хусусий сектор вакилларининг истиқболли лойиҳалари тижорат банклари томонидан ўз вақтида молиялаштирилмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан бери биргина «Капиталбанк» томонидан ана шу мақсадлар учун 52,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилган фикримиш далилидир.

Маълумки, Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига муҳим, долзарб вазифалар ўртага қўйилган. Банк жамоаси шундан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Жорий йил июль ҳолатига ажратилган кредит сармоёлари 9,2 млрд. сўмни ташкил этди. Шу ҳисобдан 198 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Муҳими, банк маблағлари озиқ-овқат саноатини ривож-

лантириш, бозор пештахталарини маҳаллий шароитда тайиннинг лоқомоти сифатида таърифланаётгани ҳам бежиз эмас. Хусусий сектор вакилларининг истиқболли лойиҳалари тижорат банклари томонидан ўз вақтида молиялаштирилмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан бери биргина «Капиталбанк» томонидан ана шу мақсадлар учун 52,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилган фикримиш далилидир.

«Капиталбанк»нинг фаолият доираси анча кенг. Юқори сифатли, рақобатбардош ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, турларини кўпайтириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда ана шу мақсадлар учун 10,6 млрд. сўм

## Инқироз

**АҚШ ва Европадаги иқтисодий бўҳронлар жаҳон молия бозорига салбий таъсир этаётган бир пайтда Standard & Poor's молиявий ширкатининг Кўшма Штатлар кредит рейтингини AAA даражасидан бир поғона пастроққа — AA+ кўрсаткичига туширгани халқаро бозорлардаги саросимани баттар кучайтириб юборди**



Файзулло  
АБДУЛҲАЛИҚОВ

Халқаро экспертларнинг башоратларига қарамай, Америка иқтисодиётининг техник дефолтга учраши борасидаги хавотирлар ва Европадаги ривожланган давлатлар молиявий аҳволининг мураккаблашаётгани «чўкиб бораётган кема»дан тушиб қолиш илнжидеги айрим йирик давлатларнинг протекционизм сиёсатини қўллаш, миллий валюталар курсларини сунъий ушлаб туришга ҳам мажбур эта бошлади.

Экспертлар эса яна жаҳон иқтисодиёти навбатдаги синовларга юз тутгани хусусида жар сола бошладилар. Душанба куни Осиё қимматбаҳо қоғозлар бозоридеги савдо кўрсаткичларининг тушиб кетиши халқаро молиявий ёнғинга мой сепгандай бўлди. Япония қимматбаҳо қоғозлар биржасининг асосий кўрсаткичи Nikkei кунни қарийб 1 фоизга арзонлашиш билан бошлаган бўлса, Жанубий Кореяда Коспей индекси 1,5 фоиз, Австралия биржасида S&P/ASX-200 кўрсаткичи 2,2 фоиз ва All Ordinaries қоғозлари 2,3 фоизга тушиб кетди. Бир томондан АҚШ кредит рейтингининг пасайгани, бошқа томондан Европада Италия ва Испаниянинг қарзлари билан боғлиқ вазият жаҳон иқтисоди яна бўҳронга юз тутиши мумкин, деган хавотирларни кучайтирди.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кўпроқ Европа азият чекмоқда. Қитъанинг Греция, Ирландия, Испания ва Италия каби давлатлари мушкул аҳволда

экан, бу эса ягона пул бирлиги — еврога таҳдид солаётгани боис Европа Иттифоқининг бошқа давлатлари жиддий чоралар қўллашга мажбур бўлаётти. Европа Марказий банки облигацияларни сотиб олиш дастурини «фаол амалга ошириш»га тайёрлиги эълон қилинган баёнот евроҳудудга кирувчи давлатлар, айниқса, қарз ботқоғидаги Италия ва Испания иқтисодиётига бўлган ишонччи ошириш илнжидеги тарқатилган бўлиши ҳам мумкин.

АҚШ ва Европадаги иқтисодий бўҳронлар жаҳон молия бозорига салбий таъсир этаётган бир пайтда Standard & Poor's молиявий ширкатининг Кўшма Штатлар кредит рейтингини AAA даражасидан бир поғона пастроққа — AA+ кўрсаткичига туширгани халқаро бозорлардаги саросимани баттар кучайтириб юборди. Иқтисодчилар бу ҳолатни мисли кўрилмаган ҳодиса, жаҳон молия бозоридеги янги даврнинг бошланиши, дея атамоқдалар. Уларнинг фикрича, АҚШ кредит рейтингининг пасайиши олдиндан айтиб бўлмайдиган оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Хусусан, Seaport Securities молиявий компанияси таҳлилчиси Тэд Вайсберг ўз сайтида «Биз бундай ҳодисани аввал бошдан кечирмаганмиз. Одамлар нимани кутиш кераклигини билмайдилар», деб ёзса, CNNMoney ресурсида «Ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса рўй бермаслиги ҳам мумкин. Чунки Япониянинг рейтингини тушириши, унинг узоқ муддатли оқибатлари кўзга ташланмаган эди», дейилади. Лекин айрим таҳлилчилар Standard & Poor'sнинг шунчаки рамзий, деб айтилаётган қарори АҚШ

иқтисодиётига бўлган ишончига катта путур етказиши ва долларни жаҳон валютаси макомидан маҳрум қилиши ҳам мумкинлигини таъкидлаётдилар.

«Катта еттилик»ка кирувчи АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Франция, Канада ва Италия молия вазирлари телефон орқали вужудга келган вазиятни муҳокама қилаётган бир пайтда Европа ва Америка расмийлари вазиятни назорат остига олиш бўйича етарли ва тезкор чораларни кўрмаганликда айбланмоқдалар. Хусусан, Хитой матбуоти АҚШ Конгрессидаги Демократлар ва Республикачилар мамлакат кредит рейтингини пасайгани учун бир-бирини айблаш ўрнига муаммоларни ҳал этиш чорасини қўриши лозимлигини таъкидлади.

«Вашингтондаги шўх йигитлар яна муаммо чиқармай туриб, хўроз урушини тўхта-тишлари лозим», дейилади Хитойнинг давлатга қарашли Xinhua агентлиги томонидан эълон қилинган мақолада.

Вашингтоннинг ўзи ҳам Конгресс вақтида ҳаракат қилмаганини тан олмақда. Оқ уй матбуоти вакили Жэй Карни Демократлар ва Республикачилар дефолтнинг олдини олиш мақсадида АҚШ давлат қарзи микдорини ошириш мураси устида узоқ баҳслашиб қолдилар, дея баёнот берди.

АҚШ кредит рейтингининг пасайиши, айниқса, Пекин ва Деҳлида кучли акс-садо бергани бежиз эмас. Чунки бу икки давлат Америка қимматли қоғозларининг катта қисмига эгалик қилади. АҚШнинг йирик кредитори — Хитой ғазаб устида доллардан бо-

шқа захира валюта яратиш лозимлиги ҳақидаги аввалги позициясини яна такрорлаётганининг боиси ҳам ана шунда. Япония билан Жанубий Корея эса АҚШ давлат облигациялари ҳануз ишонччи бўлиб қолаётганини эътироф этмоқдалар. Лекин Россия ўзини гўёки ҳеч қандай воқеа юз бермагандек тутётганини тушуниш қийин. Негаки, мустақил экспертларнинг эътирофи эътирофларча, долларнинг кучсизланиши эвазига Россия олтин валюта захираларининг муайян қисмидан маҳрум бўлган. Аммо Россия молия

вазирининг ўринбосари Сергей Сторчак ААА ва АА+ рейтингини орасида катта тафовут йўқлиги боис захира ҳажми-мизда ўзгариш йўқ, дея баёнот берди. Бироқ бугун Россия захира ва миллий фаровонлик жамғармасидаги маблағларнинг 45 фоизи долларда, яна шунчаси еврода ва 10 фоизи фунт стерлингда сақланаётгани ҳисобга олинса, бундай хотиржамликка асос йўқлиги аён бўлади.

Дунёдаги асосий валюталар қадрига путур этаётган бир пайтда синалган ва синовдан ўтган пул сақлашининг энг ишонччи воситаси — тилла нархи ошиб бораётти. Унинг бир унцияси мисли кўрилмаган даражага — 1700 АҚШ долларига кўтарилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Ваҳоланки, жорий йилнинг апрелида олтиннинг баҳоси 1500 доллар атрофида эди. Ушбу қимматбаҳо металнинг қадри 11 йилдан бери узлуксиз ортиб бораётганини эътиборга олсак, яқин орада унинг нархи янада ошиши мумкин, деган тахминлар бежиз эмаслигига амин бўламиз.

Дунё бозорларидаги тушкунлик Яқин Шарққа, айниқса, минтақанинг энг ривожланган мамлакатини ҳисобланмиш Исроилга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Бир куннинг ўзида Тель-Авивдаги етакчи индекслардан бирининг нархи 6 фоизга тушиб кетди. Салкам бир ойдан бери ижтимоий адолат шиорлари остида давом этаётган норозилик намойишлари пайтида бу Исроил учун яна бир оғир зарба бўлди. Иқтисодий талаблар илгари сурилаётган намойишларда биринчи мартаба 250 минг нафардан ортиқ аҳолининг иштирок этаётгани инқироз қўланкаси кириб бормаган давлатлар сони ка-

майиб бораётганлигидан далилатдир. Намойишчиларни асосан уй-жой ва озиқ-овқат нархларининг муттасил ошиб бораётгани ташвишга солаётгани айтилмоқда.

Агар 1995 йил Мексикада, 1998 йил жануби-шарқий Осиёда кузатилган тангликдан ривожланган давлатлар у қадар кўп зиён кўрмаган бўлсалар, бу сафар, аксинча, инқироз бақувват давлатларда бошланиб, Ер юзининг бошқа ҳудудларига ёйилганини кўрамиз. Бошқача айтганда, акциялар бозорининг бўҳронга юз тутиши, уй-жой бозорининг касодга учрагани, савдотикнинг сусайишидан деярли ҳеч қим четда қолмади. Бироқ шу ўринда қашшоқ давлатларга етган жароҳат анча жиддий ва чуқурлигини таъкидлаш жоиз. Чунки ривожланаётган давлатлар томонидан улларга берилаётган маблағ кескин камайиб кетди. Маҳсулот сотишдан келадиган даромадларнинг пасайиши вазиятни янада оғирлаштирди. Энг ёмони — бундай аҳволга бардош беришга қодир бўлмаган миллионлаб инсонлар жабр кўрмоқдалар.

Ривожланган давлатлар турли муаммоларга дучор бўлаётган бир шароитда ривожланаётган давлатларда очарчилик юзага келаётгани хавотирларнинг янада ошишига сабаб бўлаётти. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортгани, тармоқда танглик келиб чиқиши борасидаги баёнотлар сайёрамизнинг турли ҳудудларида хавотирларни келтириб чиқара бошлади.

Ҳақиқатан ҳам дунё бозоридеги шу пайтга қадар мўл-кўл бўлган дон маҳсулотларининг тақчиллиги пайдо бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги

миш-мишлар оқибаотида истеъмол маҳсулотлари нархи кескин ошиб кетмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида озиқ-овқат, айниқса, бугунда ва гуруч нархларининг муттасил ўсиши барча давлатлар учун бирдек муаммога айланаётгани бежиз таъкидланмапти. Айниқса, бир неча йиллардан буён фуқаролар уруши туфайли азият чекаётган Сомалида миллионлаб одамлар очарчилик гирдобиде қолди. Фавқулодда ёрдам кўрсатилмаса, юз минглаб кишиларнинг ёстиги қуриши мумкинлиги айтилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, ҳар кун сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликдан 25 минг киши ҳаётдан оўз юмаётганини эътиборга олсак, очарчилик ва қашшоқликнинг кўлами янада яққолроқ намоён бўлади. Мутахассис ва шарҳловчиларнинг таъкидлашларича, очликда кун кечираётганларнинг аксарияти, яъни 60 фоиздан кўпроғини аёллар, 25 фоизини эса болалар ташкил этмоқда. Бу ҳар 5 сонияда бир гўдак очлик қўрбонига айланаётти, деганидир.

Маълумотларга кўра, айни пайтда дунёнинг 80 та мамлакатиде 73 миллион киши фавқулодда озиқ-овқат ёрдамига муҳтожлик сезмоқда. Нарх-навоининг ошиб кетгани боис қашшоқлар ўз даромадларининг 75 фоизини фақат егуликка сарфлай бошладилар. БМТ маълумотлариде эса шу кунларда ер юзи аҳолисининг 1 миллиарддан кўпроғи очнаҳор кун кечираётгани таъкидланаяпти.

### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

## «ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Аукцион савдосига Андижон вилоят «Машина-трактор парклар бирлашмаси» очиқ акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2011 йил 4 июлдаги йиғилиш қарорига ҳамда жамият бошқарув раисининг 2011 йил 3 августдаги №105-сонли алоқа хатида асосан Андижон вилояти Андижон шаҳар Бобур шоҳ кўчаси 24-уйда жойлашган «Андижон вилоят «Машина-трактор парклар бирлашмаси» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1996 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ 310290» русумли давлат белгиси 17 АН 384 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси **897000 (Саккиз юз тўқсон етти минг) сўм;**  
1997 йилда ишлаб чиқарилган «Дамас» русумли давлат белгиси 17 АН 511 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси **3 711000 (Уч миллион етти юз ўн бир минг) сўм.**

Аукцион савдоси 2011 йил 10 сентябрь кунни соат 11.00да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йил 13, 15, 17 сентябрь кунлари соат 11.00да Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдориде гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МФО: 00074, ИНН: 205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар кунни ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00га қадар Андижон шаҳар А.Навоий кўчаси 30-уй, 215-хонада қабул қилинади. Савдода қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, асар вақолатли шахс қатнашиш белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Кўшимча маълумот учун манзилимиз:  
Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 215-хона  
Тел: 8(374)606-88-81, 269-88-81, 700-88-81  
Гувоҳнома № 00126

**XXI ASR**  
Ijtimoiy siyosiy gazeta  
Газетхонларимиз диққатига!  
«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасининг янгиланган сайти  
Ишга туширилганини маълум қиламиз.  
Веб-сайтга www.21asr.uz манзили орқали ташриф буюришингиз мумкин.

**Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.**

## ССП тадбиркорлари Каталонияга чорламоқда

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жорий йилнинг ноябрь ойида мамлакатимизга испаниялик тадбиркорлар делегацияси келишини, улар билан ҳамкорлик қилишни истаган ўзбекистонлик ишбилармонлар ССПнинг замонавий минитехнологиялар ва инвестициялар бўлимига мурожаат этишлари мумкинлигини эълон қилди. Маълумотларга кўра, Испаниянинг «Laintex Veteran» компанияси ташаббуси билан ташкил этиладиган мазкур лойиҳада мамлакатнинг Каталония музофотида иктисодиётнинг турли соҳалари бўйича фаолият кўрсатувчи бир нечта корхонанинг иштирок этиши режалаштирилган. ССП тақдим этган рўйхатда қайд этилишича, каталониялик тадбиркорлар пиллоқ, сарғ, кефир, йогурт, творог, колбаса каби сут ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва кадоқлаш, юқори сифатли ош тузи, қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш, бошоқли дон маҳсулотлари, хўл мева ва сабзавотларни саклаш ва қайта ишлаш технологиялари, шунингдек, ирригация ҳамда музлатиш тизимлари, иссиқхоналар учун зарур бўлган ускуналарни етказиб бериш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.



## Энг бойи — «Ярим олма»

Хабарларга қараганда, Стив Жобснинг Apple компанияси дунёдаги энг қиммат компания мақомига эга бўлди. Нью-Йорк фонд биржаси савдоларида унинг акциялари нархи 3,2фоизга кўтарилгани капиталлашнинг 338 миллиард АКШ долларига ошишига олиб келди. Шундай қилиб, iPhone ва iPad технологияларини ишлаб чиқарувчи Apple компанияси Еххон Mobil нефть ва газ компаниясидан ҳам илгарилаб кетди. Машхурлиги бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган Apple компанияси энди энг қиммат компанияга ҳам айланди.



## Озод юртнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандлари

жаҳон ареналарида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя этмоқдалар

Шухрат ХЎЖАЕВ,  
«XXI ASR»

1991 йилда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши халқимиз ҳаётини, турмуш тарзини тубдан ўзгартирди. Жамиятнинг барча соҳалари тараққийга юз тут-

ди. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ўзбек халқи ҳеч қачон ва ҳеч кимга қарам бўлмайди, деган даъватлар ҳаётимизнинг устувор ширини айланди.

Мамлакатимизда спортни, жумладан, ёшлар ва болалар спортини ривожлантириш, фарзандларимизни жисмоний ва ақлий баркамол этиб тарбиялаш-


га давлат сиёсати даражасида аҳамият берилётгани туфайли бекиёс ютуқларга эриша бошладик. Бу истиклол фарзандлари ҳисобланмиш ёш спортчиларимиз томонидан билдирилатган дил сўзларида ёрқин акс этиб турибди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани, юртимизда дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли спорт мусобақалари тизимининг жорий қилингани натижасида ёш спортчиларимиз халқаро майдонда ўзларини кўрсатиш учун бениҳоя катта имкониятларга эга бўлдилар.



Нафиса Мўминова, шахмат бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, 2008 йилда 18 ёшга бўлган қизлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилиги, 2009 йил ёшлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионати совриндори;

— Жорий йилнинг 17 августда Малайзияда жаҳоннинг кучли шахматчилари иштирокида мамлакат очик чемпионати бўлиб ўтди. Ҳозир мазкур нуфузли турнирга тайёргарлик кўряпман. Сингилм Хулқар эса айни пайтда Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ёшлар ўртасида бўлиб ўтаётган «кичик» жаҳон чемпионатида тенгдошларига муносиб қаршилик кўрсатган ҳолда медаллар учун курашишни давом эттирмоқда. Тан олиш жоиз: агар мамлакатимизда спортчиларимиз учун барча қулайликлар яратиб берилганида, бундай мусобақаларда иштирок этиш биз учун орзу бўлиб қолаверарди. Зеро, айнан ана шу эътибор туфайли ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов жаҳон чемпионлигини кўлга киритиб, дунёга танилди. Ҳиндистонлик машҳур гроссмейстер Вишванатан Ананд Тошкентга келганида эса бутун жаҳон шахмат аҳлининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Ишончим комилки, ўшанда Анандга қарши дона сурган кичик ука-сингилларим ҳам кўп ўтмай, нуфузли мусобақаларда голиб бўлиб, шахмат «тож»ини кийишга даъвогарлар қаторидан ўрин оладилар.



Алиёр Норалиев, жорий йилнинг июль ойида Остонада ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати голиби;

— Халқаро мусобақаларда катнаша бошлаганимга унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Очигини айтсам, мазкур турнирлар давомида хорижлик мутахассисларнинг ўзбек бокс вакиллари ҳурмат билан тилга олаётгани, имкон қадар ҳамюртларимиз ва уларнинг усулларини ўрганишга ҳаракат қилаётганини кўриб, бошим осмонга етди. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Аббос Атоев, Элшод Расулов каби спортчиларимиз юртимиз шухратини жаҳонга ёйганлари боисини чуқур англаб етдим. Ёшлигида кураш билан шуғулланган отам ҳам, биринчи устозим — Кўкчон бокс мактабининг йирик намояндаларидан бири Ровкат Эралиев ҳам бизларга яратиб берилаётган шароитлар қадрига етишимиз зарурлиги, Ватанни ҳамма нарсадан устун қўйиш кераклиги ҳақида кўп гапирадилар. Яқинда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг финал беллашувида жанубий корейлик рақибга қарши ўтказилган жуда оғир жангдан сўнг шохсулага кўтарилганимда, отам ҳамда мураббийимнинг гаплари нечоғли тўғри эканини ҳис қилдим. Байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида озод юртнинг бахтли фарзанди эканимдан ғурурланиб кетдим.

## Учта олтин, учта бронза

Бангкок шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида муносиб иштирок этган ўзбекистонлик ёш полвонлар жами 6 та медалга сазовор бўлдилар. Қизгин ўтган баҳсларда Собир Казакбаев (42 кг.) ҳамда Муҳаммадали Шамсиддин (76 кг.) шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилган бўлсалар, Асрор Муҳитдинов (54 кг.) «бронза» билан тақдирланди. Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ахборот хизматидан хабар қилинишича, ҳал қилувчи беллашуларда Собир эронлик полвонни, Муҳаммадали эса киргизистонлик спортчини доғда қолдириб, олтин медални кўлга киритдилар. Эркин курашчиларимиздан уч нафари — Ислам Раҳимов (54 кг.), Шавкат Одинаев (85 кг.) ҳамда Сирожиддин Ҳасанова (54 кг.) мусобақанинг бронза медаллари насиб этди.



Шу ҳафтада энг иссиқ об-ҳаво Абу-Дабида (Бирлашган Араб Амирликлари) + 42 даража, энг паст ҳарорат эса Ослода (Норвегия) +8 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Мамлакатимизда ҳам чилла чиқиши билан ҳарорат пасайиши кузатилади. Аммо кейинги ҳафтанинг дастлабки кунларидан ҳаво ҳароратининг бироз кўтарилиши кутилмоқда. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 11-18 август кунлари мамлакатимизда ёгингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб турса-да, ёгингарчилик бўлмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳафта охиригача кечаси 20-25, кундузи 12 августда 32-37, 13-15 август кунлари 36-41 даража иссиқ бўлади. Бўҳор ва Навоий вилоятларида ҳафта давомида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 12 августда 34-39, 13-15 август кунлари 37-42 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 12 августда 17-22, кундузи 33-38, 13-15 август кунлари кечаси 19-24, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 21-26, кундузи 37-42 даражаи қайд этади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёгингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 12 августда 32-37, 13-15 август кунлари 35-40 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво бироз булутли бўлади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 12 августда 17-22, кундузи 33-38, 13-15 август кунлари кечаси 19-24, кундузи 36-41 даражани қайд этади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб турса-да, ёгингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат 12 августда кечаси 11-16, кундузи 23-28, 13-15 август кунлари кечаси 13-18, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлади.

## Беш нафар боксчимиз яримфиналга чиқди

Жанубий Кореяда бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этаётган чарм кўлқоп усталаримизнинг беш нафари яримфинал йўлланмасини кўлга киритди. Нисбатан ёшлардан иборат терма жамоамизнинг 49 кг. вазн тоифасида рингга кўтарилган аъзоси Алишер Маҳмудов чоракфинал баҳсида иорданиялик Абдуллох Шамонни 20:7 ҳисобида енгиб, 1/2 финалга йўл олган бўлса, Нодирбек Қосимов (69 кг.) тайпейлик Чин Ченг Суни, Шухрат Абдуллаев (75 кг.) япониялик Райота Муратани тегишли равишда 24:15 ва 23:11 ҳисобида мағлубиятга



учрашиб, беллашуларни давом эттириш ҳуқуқини кўлга киритди. Яна бир ҳамюртимиз Қобилжон Бобожоновнинг (64 кг.) хитойлик Ху Квинг билан ўтказган 1/4 финал учрашуви 14:14 ҳисобидаги дуранг натижа билан яқунланган бўлса-да, боксчиларнинг қўшимча кўрсаткичларини инобатга олган ҳакамлар вакилимизни голиб, деб топдилар. Чемпионатнинг яримфинал учрашувлари бугун бўлиб ўтди.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ижроия кўмитаси Яққасарой туман кенгаши раисининг собиқ биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари **Эргаш Пўлатович АТАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик ихзор этади.

**AGROBANK**  
— ЮРТ БОЗОРИНИ ВА ЯРАТУВЧИЛИКНИ ҲАМРАФИЙ (МОЛЛИЙИЙ) ҚИЛДИ

**TURON BANK**  
Эффективный рост ваших капиталов.

**XXI ASR**  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2012 йилга  
обуна бошланди

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80